# ХУШОМАД ШУНДАЙ МАККОРКИ...

## ХАТЛАР УСТИДА ЎЙЛАР

Сирасини айтганда, бу мулоҳазалар мавзуси янги эмас. Ёдингиздами? «Хушомадгўйлик — жирканч, зарарли деб такрор-такрор айтилган; шундай бўлса-да, шамолга учаверди, одамлар қалбидан жой олаверди». Ё бўлмаса: «Шернинг мастларга тоқати йўқ эди, ўзи ҳам ичкиликни оғзига олмаган. Аммо лаганбардорларни ёқтирарди...»

Бундан равшан баҳо бўлмаса керак. Бироқ ҳали ҳанузгача хушомадгўйликнинг бир неча бор қораланган, мазах қилинган усуллари, ўқтин-ўқтин юзага қалқиб чиқиб қолади-да, унинг қиёфаси таъбингизни хира қилади. Редакция почтаси ҳам шундан далолат беради.

Ятимовга Тожикистоннинг Кабодиён районидаги Тельман номли колхоз раислиги лавозимини ишониб топширишди. Ғайратли, эпчил эди у, ишга бажонидил киришиб кетди. Хўжаликнинг ишлари олға босди, бу албатта, янги раҳбарни хурсанд қилмай қўймасди. У билан бирга бошқа колхозчилар ҳам хурсанд бўлишди: ахир хўжалик раиснинг куйиб-пишиши билангина эмас, уларнинг меҳнати туфайли қаддини ростлади.

Орадан кўп ўтмай Ятимов мақтовларни жуда хуш кўришини одамлар сезиб қолишди. Баъзи бировлар раис илтифотига сазовор бўлиш учун бундан дарҳол фойдаланишди. Раис билан гаплашилганда ёки йиғилишларда унинг шаънига «Сиз қурдингиз», «Сиз кўрсатма бердингиз», «Сизнинг маслаҳатингиз билан»га ўхшаш иборалар тез-тез эшитиладиган бўлиб қолди. Бора-бора мақтов сўзини яхши, чиройли айтиш, хўжалик раҳбари шаънига ҳамдусанони баландроқ олиш мусобақага айланиб кетаёзди. Унинг ўзи ҳам уялмай нетмай «Мен қурганман», «Мен кўрсатиб берганман» дейдиган бўлиб қолди.

Мазахўракка ўрганиб қолган раис энди коллективни икки бўлакка — ёқимли ва ёқимсизларга ажратадиган бўлди. Биринчиларга, умумий ишга ҳисса қўшганми, қўшмаганми, энг яхши шароитлар яратиб берарди. Иккинчиларни очиқдан очиқ ёқтирмай қўйди. Бундайларга нисбатан қонунчилик билан ҳам ҳисоблашмай кўнглига келган чорани кўраверарди, ҳатто ишдан ҳам ҳайдарди. Аслида эса бундай одамларни шахсан ёмон кўргани учун бўшатарди.

Биламан, колхоз правлениеси, партия ташкилоти қаёқда эди, деган савол беришингиз мумкин. Ҳамма иллат шунда-да, правление аъзолари орасида лаганбардорлик устун келган, партком секретари Р. Тўраевнинг ўзи эса, айтиш мумкинки, биринчи хушомадгўйга айланиб қолган.

Ҳикоямизни шу ерда тўхтатиб, мушоҳада қилиб кўрайлик. Фалокатми бу? Бахтсизликми ёки касалликми? Ўзига бино қўйган раис номаий-аъмоли/ баён этилган хатларда ана шу сўзлар бор. Хат муаллифлари шу сўзлар мағзини чақишга ҳам уриниб кўришган.

Лаганбардорлик муҳитида инсоннинг чиндан ҳам айниб кетиши турган гап. Ишбилармон, умидли ходим бор эди — маҳрум бўлинди. Нега? Менимча, лаганбардорликни гиёҳвандликка таққослаш жуда ўринлидир. Лаганбардорликка ўрганиш, худди гиёҳвандликка мубтало бўлгандек, организмни ишдан чиқаради. Жисмоний бўлмаса ҳам, ахлоқан емиради. Унинг гирдобига тушган одам қутилиб кетолмайди...

Ха, оқибати шундай бўлиши мумкин. Аммо унинг олдини олиш учун, ҳойнаҳой, ўз вақтида зарур чораларни кўриб қўйиш ҳам керак. Бунинг учун эса, иллат нимадан бошланишини билиб олишимиз лозим.

Хатлардан бирида дастлабки кезларда лаганбардорликни самимий ҳурматдан бирданига ажратиб олиш қийин бўлади, деган фикр айтилган. Ростда, қаёқдан билиб бўлади, киши ўз бошлиғини чин юракдан мақтаяптими, ёки ўз фойдасини кўзлаб, унинг қулоғига хушомадгўйлик оғусини томизяптими?

Бундай гаплар бақамти айтилганда мақсад равшан, бунинг устига хушомадгўйга эътироз билдириш чиндан ҳам қийинроқ бўлади. Лекин эртами-кечми кабинетдаги ўзаро муносабатлар минбарга ўрмалаб чиқади. Худди шу ўринда самимият билан ғаразли мақсад ўртасидаги фарқ қаердалигини илғаб олишга уриниб кўрайлик.

Бунинг учун олдинига Хабаровск ўлкасининг Верхнебуреинск районида чиқадиган «Рабочее слово» газетасига мурожаат қиламиз. Газетада «Комсомол эди — коммунист бўлди» деган мақола босилган. Мавзу муҳим: партия сафлари комсомоллар ҳисобига ўсаётгани ёритиляпти. Мақолада бундай дейилган: кейинги йилнинг ўзидагина ёш коммунистлардан Юрий Владимирович Цветков, Александр Антонович Правдивко, Надежда Александровна Полусмак масъул партиявий ишларга кўтарилдилар...»

Кўтарилдилар — бу, албатта, яхши. Лекин, ўзи, отаси ва бувасининг исмларини тўлиқ ёзиб мадҳ этиш ўқишда эриш туюлади, одатда газеталар бундай ҳолларда исми шарифларни айтиш билан кифояланилади.

Балким, редактор Б. Липин комсомолдан партия ишига ўтганларга нисбатан алоҳида ҳурмат изҳор қилмоқчи бўлгандир? Асло бундай эмас, худди шу жойнинг ўзида дурадгор, машинист, экономист бўлиб ишлаётган ёш коммунистларнинг камтарона қилиб, отасининг исмисиз ёзилган-ку. Нега буларга ҳам юқоридагиларга бўлганидек, тенг ҳурмат кўрсатилмади? Нега район партия комитети ходимларига алоҳида равиш қилиш керак? Худди шу ерга келганда савол туғилади: бу ҳурматми ёки бошқа бирон нарсами?..

Бошқа бир газетада босилган фотосурат эътиборни жалб этди: область партия комитетининг биринчи секретари янги институт очилиши муносабати билан тортилган лентани қирқмоқда. Институтнинг очилиши муҳим воқеа, албатта. Аммо шу муносабат билан газета нега қурувчилар, студентларни эмас, айни обкомнинг биринчи секретарини кўрсатди? Бу факт ҳам тасодифий эмаску, ахир? Янги кутубхона, янги театр, янги универмаг очилишида лента қирқилаётгани тасвирланган фотосуратларни босаётган бошқа газеталар ҳам бор... Рўпарангизда яна раҳбарни кўрасиз!

Энди мавзуимизнинг нозик ва қалтис томонига — хушомадгўйликка муносабат масаласига ўтайлик. Иқрор бўлинг, сени мақтаётганда хушомадгўйга тўғридан-тўғри эътироз билдириш осонмас. Лекин шундай қилиш керак. Бунда воқеа-ҳодисаларни реал баҳолаш мезон бўлиши лозим.

Одатда лаганбардорлар қармоғига нокамтаринлар илинади. Хушомадгўйликни бажонидил қабул қиладиганлар уни рағбатлантиришади. Чунончи, кейинги икки йил мобайнида Қирғизистон Компартияси Марказий Комитети, Хабаровск ўлка, Олмаота область партия комитетлари пленумларида бюро аъзолари, секретарлар шаънига биронта ҳам жиддий танқидий фикр айтилмади. Бунинг ўрнига турли-туман мақтовлар дўлдек ёғилди, ваҳолонки, бу регионларда ҳамма иш ҳам жойида эмас. Бу партиявий камтарликни унутиб қўйиш, принципсизликка эрк беришнинг ўзгинаси эмасми?

Қиёслаш учун у ёки бу раҳбар ўз шаънига айтилаётган мақтовларга кескин эътироз билдирган ҳоллардан анча-мунча мисол келтириш мумкин. Бундай муносабатлар лаганбардорларни бошидан совуқ сув қуйгандек ҳовридан туширади. Шундай қилиниши партиямизнинг ленинча анъаналарига жуда мос бўлиб тушади.

В. И. Ленин туғилган куннинг эллик йиллиги нишонланишига қандай муносабатда бўлганлигини эслайлик. Маълумки, у йиғилишнинг охиридагина етиб келди ва уни «юбилей нутқлари эшитишдан халос қилган»ликлари учун миннатдорчилик билдирди. Ўз нутқини эса бундоқ қараганда кутилмаган, юбилей тантанаси учун мутлақо қовушмайдиган масалага бағишлади. В. И. Лениннинг «Бизнинг партиямиз, ҳозир, эҳтимол, жуда хавфли аҳволга, — яъни ғурурланиб кетган киши аҳволига тушиб қолиши мумкин. Бу жуда ҳам аҳмоқона, шармандали ва кулгили аҳволдир, — деб айтди.

Бу буюк ва камтарин инсон ўз шаънига айтилган табриклардан сўнг мана шулар ҳақида ўйлаган эди!

Баъзи бировлар буни гапириб ўтиришга арзимайдиган нарса дейишлари мумкин: хўп, мақташса мақташибди-да, нима бўпти! Хушомаднинг зарари қайга борарди? Айтайлик, мақташади, кўкларга кўтаришади, қасидалар ўқишади. Майли, агар уларга ёқса айтаверишсин. Эҳтимолки, чиндан ҳам «ўзларича» айтаверишлари мумкиндир?

Йўқ, буларнинг ҳаммаси шунчаки зиён-заҳматсиз кечмайди. Мақтовга учувчи кишиларнинг бора-бора юз тубан кетиши ҳақида сўз юритдик. Яна бир қонуният ҳам бор: қаерда лаганбардорлик илдиз отса, ўша ерда турмушимизнинг бошқа нормалари, албатта, бузилади. Бундай бузилишлар бўлган жойда эса адолат бўлмайди, у ерда муқаррар равишда маънавий ёки моддий зарар кўрилади. Энг муҳими лаганбардорликни рағбатлантириш муҳитида, раҳбарлар ва улар билан ходимлари ўртасида қандай муносабатлар юзага келишида ва бу муносабатларнинг ишга қандай таъсир кўрсатишида.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумида «Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашнинг ленинча принципларига қатъий риоя қилиш зарурлиги» тўғрисида гапирилди: «Қаерда бу принциплар бузилаётган бўлса, ходимлар шахсий садоқатига, ёқиш-ёқмасликларига, ошна-оғайнигарчиликка қараб тайинланаётган бўлса, ўша ерда танқид ва ўз-ўзини танқид сўзсиз равишда сўниб боради, омма билан алоқалар сусайиб кетади ва оқибатда иш барбод бўлади».

Агар бошлиқ атрофига «ўз» одамларини тўплаб олса нима бўлади? Яъни кадрлар шахсий садоқатига кўра, мартабали раҳбарнинг хоҳишларини дарҳол илғаб олишига қараб кўтарилса нима бўлади? Бундай пайтда ҳар қандай масаланинг муҳокамаси раҳбарнинг фикрларини кўр-кўрона «якдиллик билан қўллаб-қувватлаш»га айланиб қолади. Бошқача фикрлар-чи? Бундай фикрлар энсани қотиради, ҳатто ғазабни қўзғатади. Ўз фикрига эга бўлган ва уни очиқ-ойдин баён қиладиган, эътироз билдира оладиган кишиларни кайфиятни бузмасликлари учун «силжитиб қўядилар». Хилма-хил фикрлар ва нуқтаи назарларни қиёсламасдан туриб, масалаларни ҳақиқатан коллектив таҳлил қилиб бўладими, энг аниқ ечимни ишлаб чиқиш мумкин-ми? Амалий муҳокама ўрнига пуч мақтовлар жўрлиги ҳақиқатдан йироқлаштиради. Баъзи жойларда шундай бўлаяпти-ку.

Хушомадгўйлик гиж-гижлатадиган нафсоният ва манманлик, баландпарвозлик ва нокамтаринлик, юқорида айтилганидек, камчиликларга қарши курашнинг танқид ва ўз-ўзини танқиддек таъсирчан кучини пучга чиқаради. Баландпарвоз мақтовлар устун келган жойда соғлом танқидга ўрин ҳам қолмайди. Бу эса ўз вақтида очиб ташланмаган ва бартараф этилмаган камчиликларнинг кўпайишига олиб боради.

Бундай касаллик айниқса шуниси билан зарарлики, у пайдо бўлиши ҳамоно илдиз отиб, ҳар томонлама ёйила бошлайди. Худди шундай жойда кадрлар ғоявий ўсишдан, сиёсий чиниқишдан тўхтайди. Бундай касалликларга қарши иммунитет лозим. Уни партиявий таъсирнинг бутун чоралари билан юзага келтирмоқ мумкин. Раҳбарнинг манманлиги, унинг ленинча иш услуби ва камтарона яшаш талабини менсимаслиги қанчалик қимматга тушиши тажрибадан маълум.

Раҳбар бўлиш имтиёз эмас. Буни ҳамиша унутмаслик керак. Раҳбар бўлиш — аввало ўзида масъулият ҳиссини ошириш демакдир. Раҳбар бўлиш — куч-ғайрати ва билимларини, тажрибалари ва асабларини аямасдан халққа хизмат қилиш демакдир. Ленин типидаги раҳбар шахсий шуҳрат деган нарсани хаёлига ҳам келтирмайди. Раҳбарлар ўз ҳаётини бағишлаган кишиларга хизмат қилиш тўғрисида ўйлайди. Шундай бўлганда эса, қўшиқларда айтилганидек, шуҳратнинг ўзи уни топаверади. Албатта, агар сен унга муносиб бўлсанг...

Лаганбардорлик ва нокамтаринликка қарши курашиш учун чамаси муайян жамоатчилик фикрини янада активроқ қўзғотиш, у ёки бу ходимнинг шахсий хизматларини меъёридан ортиқча кўкларга кўтариш йўлидаги уринишларга кескин зарба бериш лозим. Лаганбардорликка қарши, унга рўжу қилувчиларга қарши энг қаттиқ ва принципиал чоралар кўрилмоғи лозим. Шунга ўхшаш ҳолларни эса дарҳол илғаб олиш керак.

Колхоз раиси Ятимов ва партия ташкилотининг секретари Тўраевга қайтайлик. Уларга нисбатан қандай чоралар кўрилди? Район партия комитети раисга нисбатан кўрсатиб ўтилсин деган жазо қўллади. Қўрғонтепа область партия комитетининг аралашуви билангина Ятимовга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди ва у вазифасидан бўшатилди. Лекин бундай чора колхоздаги ишлар тўла барбод бўлгандан кейингина кўрилди-да. Тўраевга эса шундан кейин ҳам ҳеч қандай жазо кўрилмади. Боз устига, у ҳатто район партия комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг раислигига кўтарилди...

Лаганбардор айёр бўлади! Унга қолса нималар қилмайди. У «керакли» шахснинг кўнглини ҳам овлайди, ўтмишини ҳам билиб олади ва, ҳатто, орзу-умидларидан ҳам хабардор бўлиб юради. Ширин сўзни «ўрнида ва вақтида» ишлатади. Шунда ҳам бақрайиб туриб эмас, балки нозиклик билан, қандайдир бир айлантириб айтади. Қарабсизки, унинг гапларига учганингни ўзинг ҳам билмай қоласан.

Лаганбардорнинг қармоқ ташлашига принципиал бўлайлик. Унинг найрангларига муросасиз бўлайлик.

**В. КОЖЕМЯКО.**
**(«Правда», 28 август).**

---

*ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР*

# АКТИВЛИКНИ ОШИРИБ

Қувасой чинни заводи қуйиш-қолиплаш цехи коммунистлари ҳисобот-сайлов йиғилишига тўпландилар. Партия группаси ташкилотчиси Р. Маматов ҳисобот доклади қилди. У бир йил ичида партия группаси жанговарлик қобилияти ҳамда ташаббускорлиги ошганлиги, меҳнат коллективи ўртасида уюшқоқлик, ижодкорлик, новаторларча ишлаш, янгиликка интилиш каби фазилатлар қарор топганлигига алоҳида тўхталди. Ишдаги баъзи камчиликлар ва қусурлар рўйи-рост айтилди.

— Янги техника ва технологияни жорий этмасдан, ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштирмасдан туриб кўзланган маррага эришиб бўлмайди, — деб сўзида давом этди у. — Шуниси диққатга сазоворки, группа теварагига уюшган коммунистлар айни шу масалада тилга олса арзигулик ишларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, коммунист, рационализатор Ғ. Султонов биринкетин 12 та рационализаторлик таклифини киритди. Бу таклифлар ишлаб чиқариш жараёнини яхшилади, 43 минг сўмлик иқтисодий самара берди. Коммунист Й. Абдулазизов ҳам сўнгги пайтларда 4 та рационализаторлик таклифи киритиб, корхонага 7 минг сўмлик иқтисодий наф келтирди.

Цехда етти ойлик план 100,9 процент қилиб адо этилди. Пландан ташқари 170 минг дона ярим фабрикат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Шу давр мобайнида цех корхонада уч марта социалистик мусобақа ғолиби, деб топилди.

Музокараларда қатнашган коммунистлар қўлга киритилаётган ютуқлар билан бирга юз бераётган камчиликларга ҳам тўхталдилар.

— Орамизда, — деб таъкидлади коммунист Н. Ильичева, — КПСС Устави талабларидан четга чиқаётган, коллектив шаънига доғ тушираётган баъзи бир коммунистлар ҳам бор. Коммунист О. Орипов спиртли ичимлик истеъмол қилиб, коллектив юзини ерга қаратди. Тўғри, у партиявий жазо олди, лекин партия группаси, қолаверса, барча коммунистлар ғоявий-сиёсий ишлар савиясини яхшилашга изчиллик билан аҳамият берганида эди, бундай факт содир бўлмасди.

Цех бошлиғи коммунист Ғ. Султонов сўз олиб, шундай деди:

— Коммунистларимиз, барча ишчи ва хизматчиларимиз бундан ҳам унумлироқ ва самаралироқ ишлашлари мумкин эди. Бунинг учун эса баъзи бир камчиликларга қатъиян барҳам бериш даркор. Масалан, чойнак линияси дастгоҳлари яхши созланмайди. Оқибатда линия тўхтаб, талайгина иш вақти бекор кетяпти. Линияларнинг тўхтовсиз ва бенуқсон ишлаши учун жавобгар Р. Исмоилов, Б. Шерматов эса ҳамма вақт ҳам масъулиятни чуқур ҳис этаётганлари йўқ.

— Ҳисобот даврида корхонамиз, жумладан, бизнинг цехимиз ҳам янги, иш унуми юксак ускуналар билан жиҳозланди, — дейди коммунист Й. Абдулазизов. — Технологик интизомга қатъий риоя қилинса, фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришимиз мумкин. Лекин ҳамма вақт ҳам технология талабларига қатъий риоя қилинмаяпти. Чунончи, чинни маҳсулотлари учун лой тайёрлашда ортиқча намлик бўлиши одат тусига кириб қолган. Оқибатда технология жараёни бузилиб, маҳсулот сифатига салбий таъсир этди. Сифатсиз маҳсулот чиқаришга йўл қўйиляпти.

Музокарада сўзга чиққан коммунистлар, шунингдек, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, прогулчиларга қарши кураш ҳамда иш вақтидан унумли фойдаланиш соҳасида ҳозирга қадар камчиликларга йўл қўйиб келинаётганини кескин танқид қилдилар. Ҳисобот-сайлов йиғилишида иштирок этган Қувасой шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари Ҳ. Қосимов цех коммунистлари активлиги ва уюшқоқлигини янада ошириш, камчилик ва нуқсонларга нисбатан муросасиз бўлиш лозимлигини таъкидлаб ўтди. Йиғилиш партия группаси жанговарлигини бундан буён ҳам ошириш, барча ишларни юксак талаблар даражасига кўтариш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланган қарор қабул қилди.

**О. ҲАКИМОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

# ГВАРДИЯЧИ БЎЛИШ ШАРАФИ

Механизаторларни фахр билан «дала гвардиячилари» деб аташлари бежиз эмас. Демак, ҳақиқий гвардиячи бўлиш, ҳамиша олдинда бориш — ҳар бир механизаторнинг бурчи. Бу жабҳада коммунистлар шахсий намуна кўрсатишга даъват этилганлар.

Ҳазорасп районидаги «Ленинград» колхози устахонаси партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида қишлоқ хўжалигида техника тараққиёти ва коммунист масъулияти тўғрисида очиқчасига гап борди. Цех партия ташкилоти секретари Ж. Ражабовнинг ҳисобот докладида, музокараларда қатнашган нотиқларнинг сўзларида ютуқлар ҳам, камчиликлар ҳам холисона, рўй-рост кўрсатиб ўтилди. Диққат-эътибор ишдаги нуқсонларни бартараф этишга, ҳал қилинмаган муаммолар ечимига қаратилди.

Колхоз етарли техника базасига эга. Шу беш йилликнинг ўзида турли маркадаги 17 та трактор, 5 та пахта териш ва кўсак чувиш машиналари, 20 та плуг, сеялка ва культиватор, 10 та прицеп, 7 та автомашина сотиб олинди. Аммо мавжуд машина ва механизмлар қувватидан тўла фойдаланилмаётир.

Шундай бир мисол келтирилди: ўтган йили планда белгиланган 2 минг тонна ўрнига атиги 20 тонна пахта машинада терилди. Мавжуд 12 та терим машинаси қуруқ савлат тўкиб турди, ахир ана шу техникага колхознинг озмунча пули сарф бўлдими? Деҳқоннинг оғирини енгил қилмаса, механизм кўплигидан нима фойда? Ҳар бир центнер пахтанинг таннархи пландагидан 18 сўм қимматга тушганлиги сабабларидан бири ҳам механизацияга кенг йўл очиб берилмаганлигидир.

Техниканинг асосий қисми колхоз устахонасида ремонт қилинади. Ҳар бир механизмнинг бетўхтов, серунум ишлаши ремонтнинг сифатига боғлиқ. Кейинги даврда устахонада анчагина асбоб-ускуналар янгиланди, 2 та токарлик, битта вертикал пармалаш станоклари ўрнатилди, пайвандлаш цехи, вулканизация ишга туширилди. У. Бобоев, И. Самандаров, Р. Сиддиқов каби коммунистлар техника ремонтини аъло сифатли ўтказишда намуна бўлишяпти.

— Устахонани реконструкция қилиш 1981 йилда бошланди. Лекин бу ишни тезроқ ниҳоясига етказиш чоралари кўрилмаётир. Ҳар гал партия йиғилишида бу масала тилга олинади, амалда эса аҳвол ўзгармаётир,— деди кекса коммунист, механик Юсуф Абдураҳмонов.

Музокарада сўзга чиққан Қ. Ҳасанов, А. Рўзметов, Р. Сиддиқов, Б. Полвонов ва бошқа коммунистлар устахона партия ташкилоти сўз ва иш бирлигини таъминлашда етарли фаолият кўрсатмаётганлигини конкрет фактлар асосида айтиб беришди. Ҳисобот даврида 13 та йиғилиш ўтказилиб, 15 та масала муҳокама қилинган. Аммо йиғилиш қарорларидаги тадбирларнинг аксарият қисми қоғозда қолиб кетган. Коммунистлар илгари сурган 23 та таклифдан 7 таси бажарилмаган. Топширилган иш учун кадрлар масъулиятини ошириш, КПСС Устави талабларининг бажарилишини назорат қилишда изчиллик, талабчанлик етишмаяпти. Оммавий-сиёсий ишни ташкил қилишда расмиятчиликка йўл қўйилмоқда.

Колхоз партия комитети (секретари Ё. Бобожонов) цех ташкилотларига раҳбарликни бўшаштириб юборганлиги, уларнинг иш усул ва услубини такомиллаштиришга яқиндан ёрдам кўрсатмаётганлиги музокараларда алоҳида қайд этилди. Шунингдек, коллектив хўжаликнинг мулки, деҳқоннинг мустаҳкам таянчи бўлмиш техникани сақлаш, ундан фойдаланишдаги хўжасизлик қаттиқ танқид қилинди. Колхоз бош инженери Қ. Рўзметовнинг масъулиятсизлиги ва эҳтиёт қисмлар етишмаслигидан механизмлар ойлаб бекор туришига доир конкрет фактлар келтирилди.

Шофер Ш. Абдураҳимов транспорт воситалари қаровсиз қолдирилаётганлигига эътиборни жалб қилиб, автомобиль гаражи қурилиши масаласини ҳал этиш вақти етганлигини айтди.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши қабул қилган қарорда партия ташкилотининг шу кунлардаги долзарб вазифалари, жумладан, машина теримига тайёргарлик ишларини жадаллаштириш, механизаторлар мусобақасини тобора авж олдириш, КПСС XXVII съезди шарафига олинган юксак мажбуриятларни бажаришда коммунистларнинг активлиги ва ташаббускорлигини ошириш зарурлиги уқтириб ўтилди.

**Ф. ЗОҲИДОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

---

**Хушнуд Салоҳиддинов республика «Госкомсельхозтехника»си Оқёр моторремонт заводининг етакчи мотористларидан. У корхонага ўтган йили, Совет Армияси сафида хизматни ўтаб қайтгандан сўнг келганди. Ҳарбий хизмат унга кўп нарсани, асосийси эса— интизомлилик, топширилган вазифани аниқ бажариш, иш вақтининг ҳар бир минутини қадрлашни ўргатди.**

**Айнан мана шу хусусиятлар туфайли Хушнуд коллектив билан тезда тил топишиб, жамоат ишларига актив киришиб кетди ва ўртоқларининг ҳурмат-эътиборини қозонди.**

**Суратда: Хушнуд Салоҳиддинов.**

**Р. Ашуров** фотоси (**ЎзТАГ**).



# УЗОҚ МУДДАТЛИ ОРБИТАЛ УЧИШ

**УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ,** 27 август. (ТАСС). Космонавтлар Владимир Жонибеков билан Виктор Савиних 83 суткадан бери орбитада учиб юрибдилар.

Ўтган кунларда экипаж асосан «Космос-1669» йўлдоши билан якунловчи ишларни ўтказди, бу йўлдош ўз конструкцияси жиҳатидан «Прогресс» типидаги юк кемаларига ўхшаш эканлиги илгари хабар қилинган эди.

Келтирилган юклар ва илмий аппаратларни космонавтлар белгилаб қўйилган жойларга ўрнатдилар, «Родник» системасининг ёрдами билан станция идишларига сувни қуйиб олдилар. Бирлашган мотор қурилмасининг биринчи секцияси бакларига қўшимча равишда ёнилғи ва оксидловчи модда тўлдирилди.

Ернинг табиий ресурсларини тадқиқ қилиш ва атроф-муҳитни ўрганиш программасига мувофиқ космонавтлар қуруқлик ва дунё океани акваториясининг айрим районларини бир неча бор оддий кўз билан кузатдилар ва суратга олдилар.

Кеча орбитал комплекс ичида «субстрат» биологик экспериментининг биринчи босқичи бажарилди, экспериментдан кузатилган мақсад олий ўсимликларни вазнсизлик шароитларида ўстиришнинг турли усуллари самарадорлигини аниқлашдан иборат.

Бугун станция бакларига қўшимча ёқилғи қуйиш давом эттирилди. Бу ишлар учишни бошқариш марказидан берилган командаларга мувофиқ бажарилади ва экипаж томонидан назорат қилиб турилади.

Космонавтлар ишлатилиб бўлган асбоб-ускуналарни «Космос-1669» йўлдошининг бўшаб қолган юк бўлмасига жойлайдилар, орбитал комплексига бевосита яқин жойда атмосфера параметрларини ўлчашнинг навбатдаги туркумини ўтказадилар.

Учиш нормал ўтмоқда. Космонавтлар Владимир Жонибеков билан Виктор Савиних соғлом, ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

---

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

# ВАЗИФАСИДАН ЧЕТЛАТИЛДИ

Андижонлик А. Солиев редакцияга йўллаган хатида шаҳар ва шаҳарлараро телефон станциясида тартибсизликлар юз бераётганлиги ҳақида ёзган эди.

**Ушбу шикоят юзасидан текшириш ўтказган АНДИЖОН ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ йўллаган жавобда қайд этилишича, ҳақиқатан ҳам аҳолига телефон алоқаси хизмати кўрсатишда жиддий камчиликларга йўл қўйилган.**

**Мазкур масала станция коллективи ўртасида муҳокама этилди. Ишда нуқсонларга йўл қўйганлиги учун станция бошлиғи Т. Болтабоев вазифасидан четлатилди.**

**Ҳозирги вақтда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, аҳолига телефон алоқаси хизмати кўрсатишни яхшилаш юзасидан чора-тадбирлар кўрилаётир. Уларнинг бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатилди.**

---

*Газетхон мулоҳазаси*

# ҚАЧОН ТАРТИБ ЎРНАТИЛАДИ?

Партия ва ҳукуматимиз совет кишисининг турмуши фаровон бўлиши учун барча ишларни қилмоқда. Ҳаётимизда учраб турадиган айрим салбий ҳодисалар таг-томири билан тугатилмоқда. Социал адолат принципларининг рўёбга чиқиши натижасида меҳнаткашларнинг ижодий активлиги тобора ошмоқда.

Маълумки, меҳнат кишисининг кайфияти кўп жиҳатдан унга кўрсатиладиган хизмат даражасига боғлиқ. Харидор магазинга кириб излаган нарсасини тополмаса, ёки қайсидир бир юлғич сотувчи унинг ҳақидан уриб қолса, у ўзини қандай ҳис қилиши мумкин? Айрим савдо ходимлари мана шундай йўл билан жамиятимизга катта маънавий зарар келтирмоқдалар.

Яқинда мен партия ветерани сифатида давлат савдо инспекцияси томонидан ўтказилган баъзи текширишлар натижаси билан қизиқдим. Текшириш давомида иши назоратга олинган ҳар икки савдо тармоғидан биттасида савдо қоидалари бузилаётгани аниқланган. Масалан, ўтган ойнинг охирида Бухоро шаҳридаги 15-гастроном ходими М. Шокирова ва шаҳар озиқ-овқат савдосига қарашли 45-магазин сотувчиси А. Шамсиддинов спиртли ичимликлар билан савдо қилишдаги тегишли қонун-қоидаларни бузиб эндигина 19 ёшга тўлган ёшларга арақ сотишди. Ғиждувон район матлубот жамиятига қарашли 17-магазин сотувчиси С. Тошева эса ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши қизғин кураш кетаётганлигини назар-писанд қилмай 30 июль куни эрталаб соат 10 бўлмаёқ арақ савдосига киришиб кетди. Бунинг устига текшириш пайтида харидор ҳақидан 33 тийин ўмариб иккинчи бор қонунсизликка йўл қўйди. Худди шундай ҳодисалар Қоракўл район матлубот жамиятининг 12-магазини ва бошқа савдо тармоқларида ҳам содир бўлди.

Савдо ташкилотларини текширувчи айрим инспекторлар савдо қоидаларини қўпол бузиш ҳолларини кўра-била туриб, ҳеч қандай чора кўришмайди. Ҳатто, харидор ҳақидан уриб қолиш, тақчил товарларни пештахта остига яшириб қўйиб, уни ортиқча нархда сотиш ҳоллари устидан чиққанда ҳам баъзан ўзларини кўрмаганликка солишади.

Эндиликда бундай ҳолларга тоқат қилиб бўлмайди. Партия, совет, жамоат ташкилотлари савдо иши назоратига меҳнат коллективлари вакилларини, халқ депутатларини кўпроқ жалб этишлари зарур. Савдо ташкилотларида маънавий иқлимни соғломлаштириш мақсадида синалган коммунистлар, комсомолларни ишга юбориш лозим. Савдода ҳалол меҳнат қилаётган кишилар тажрибасини кенгроқ ёйиш керак. Энг муҳими, савдо ташкилотлари раҳбарларига нисбатан талабчанлик оширилсин. Айрим ҳолларда улар кадрлар етишмайди, деган баҳона билан харидор эмас, қонунбузар ходим тарафдори бўляптилар.

Фаровон замонамизда ҳалол меҳнат қилиш ўрнига текин даромад излайдиган кишиларга савдода ўрин бўлмаслиги учун бутун жамоатчилик қаттиқ кураш олиб бориши керак.

**Ҳамро МАҲМУДОВ,**
**1931 йилдан КПСС аъзоси, Иттифоқ аҳамиятига молик шахсий пенсионер.**

*• РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ: НАЗАРИЯ ВА ТАЖРИБА •*

# СОЦИАЛ АДОЛАТ

ПАРТИЯ ва совет халқининг жўшқин бунёдкорлик фаолияти туфайли совет жамияти бугунги кунда социализмнинг юксак нормаларига тенглашган ҳолда олға томон боришимиз мумкин бўлган марраларга чиқиб олди. Бу ҳол ҳаётий фаолиятимизнинг ҳамма соҳаларига, жумладан, «Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша» принципининг амалга оширилишига ҳам дахлдордир.

«Ҳар кимга меҳнатига яраша» принципи социалистик адолат асосларининг асосидир. Шу билан бирга, бу принципни одамлар томонидан шунчаки тўқиб чиқарилган, уларга худди шу адолат кучи билангина маъқул бўлган қандайдир бир қоида деб ўйлаш нотўғридир. Бу ўринда гап социализм ишлаб чиқариш муносабатларининг энг жиддий томонларидан бирини тартибга солувчи **объектив иқтисодий қонун** ҳақида бормоқда. Иқтисодий зарурият бу ўринда ўзига хос адолат кучи билан «эритилгандир». Натижада меҳнатга яраша ҳақ тўлаш принципи совет жамияти ҳаётининг **этик, ахлоқий нормалари сифатида ҳам намоён бўлади, қиймат** характерини олади. Шунинг учун ҳам бу принципни бузиш ишлаб чиқариш кўрсаткичларигагина эмас, балки, ҳалол меҳнат қилувчиларнинг психологиясига ҳам, маънавий ҳолатига ҳам зарарли таъсир кўрсатади. Бу принцип амалда изчиллик билан қўлланилишига эришиш ҳаётимизнинг энг муҳим соҳаларидан бирини социализмнинг олий талаблари даражасига кўтариш демакдир.

Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатадики, «меҳнатга қараб ҳақ тўлаш» принципининг икки душмани, кушандаси бор. Ана шуларга қарши кураш олиб борилмаса тақсимот соҳасида қатъий адолат ўрнатиш анча қийин. Бу кушанданинг биринчиси «бараварлаштиришга уриниш тенденцияси»дир.

Ҳақиқатан ҳам, ишнинг реал натижалари учун эмас, балки, ишга шунчаки келиб кетганлиги учун иш ҳақи ёзиш, илғорларга ҳам, қолоқларга ҳам баб-баравар мукофот тўлаш адолат принципларига мутлақо зиддир. Бундай иш тутиш дангаса, бракчига ҳомийлик қилинди ва айни вақтда яхши, ҳалол ходим камситилди, демакдир. Бундан ташқари, кам меҳнат эвазига илғорлар билан бир даражада туриш, ҳатто улардан ҳам яхшироқ яшаш муқаррар равишда баъзиларда: «жон куйдириб ишлаш шарт эмас эканда», деган тушунчани келтириб чиқаради, текинхўрлик ҳолларига йўл очиб беради.

Бизнинг моддий ва маънавий рағбатлантириш системамиз ҳар доим ва ҳамма жойда адолатли бўлишни таъминлаш ва ҳар бир кишининг меҳнат ҳиссасига объектив баҳо беришга даъват этади. Партиямиз масалани худди шундай тарзда қўймоқда. Бироқ ходимларнинг иш ҳақидан норозилиги кўпинча шу иш ҳақининг даражасидан эмас, балки, меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш кўнгилдагидек тартибга солинмаганидан, иш ҳақи ҳажмларидаги мавжуд нисбатлар билан боғлиқ бўлган адолатсизликдан келиб чиқади. Масалан, айнан бир малакадаги ишчилар баъзан ҳар хил иш ҳақи оладилар. Чунки, улар турли идораларга қарашли корхоналарда ишлайдилар. Бу ҳол социал қулайликлар билан таъминланишга — заводнинг ўз болалар боғчаси, медицина, санитария бўлими, профилакторийси бор-йўқлигига ҳам қарайди.

Кишиларнинг меҳнат активлигини баъзан иш ҳақи ҳажмида сунъий равишда белгиланган «энг юқори» ставка ҳам сусайтириб туради. Бундай практикани ҳар хил изоҳлашади. Лекин асосан: иш ҳақи фондини ортиқча сарфлаб юбормаслик керак, дейишади. Ҳақиқатан ҳам бу фондни ортиқча сарфлаб юбориш ярамайди. Шундай экан, нима қилиш керак? **Ходимларнинг барча категориялари бўйича ходимлар сони ва иш ҳақи фонди расчетини, ички планлаштириш ва хўжалик ҳисобини ташкил этишни, иш ҳақи ва мукофотлаш системасини ходимларнинг пировард коллектив натижага эришишга қўшган ҳиссасига қараб ишлаб чиқишни тўла равишда корхоналар ва ташкилотларга бериш керак,** деган таклиф кўпдан бери долзарб масала қилиб қўйилмоқда. Бунда шуни назарда тутиш керакки, меҳнат коллективларининг ишловчи ходимларнинг сонини камайтиришга уринишлари ҳар доим ҳам яхши самара беравермайди. Айниқса, ишловчилар сонини камайтириш ҳисобидан ҳосил бўладиган иш ҳақи фондининг тежами энг яхши ходимларни рағбатлантириш учун фойдаланилмаган тақдирда шундай бўлади. Иқтисодий эксперимент шароитидаги ишларнинг баъзи якунлари шундан далолат берадики, иш ҳақи фондларини ҳосил қилишнинг барқарор нормативлари корхоналарнинг коллективларини кам ходим билан планларни бажаришга рағбатлантирмоқда. Бу ҳол меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига маҳсулот чиқаришни кўпайтириш имконини бермоқда. Тажриба экспериментнинг бир қатор асосий қоидаларини чуқурлаштириш лозимлигини ҳам кўрсатмоқда. Жумладан, бу йил социал-маданий тадбирларнинг фондларини ҳосил қилиш нормативлари кўпайтирилмоқда.

Сўнгги вақтларда халқ хўжалигининг бенстисно ҳамма тармоқларида меҳнатни ва унга тўланадиган ҳақни бирбири билан янада маҳкамроқ боғлаш имконини берадиган бошқа чора-тадбирлар ҳам кўрилмоқда. Бу жиҳатдан, масалан, илғор хўжалик ҳисобидаги бригадаларда катта тажриба тўпланди.

БАРАВАРЛАШТИРИШГА қаратилган тенденция корхонанинг иш ҳақини ўзбошимчалик билан ошириб юбориш йўли билан ходимларни ушлаб туриш ёки бошқа жойдан келтиришга мажбур бўлишдан келиб чиқадиган ишчи кучи дефицити (етишмаслиги)га ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Тақсимот ёки тақсимлаш муносабатларини такомиллаштираётганда меҳнат жараёнидаги ўзаро муносабатларнинг комплексини ҳисобга олмоқ зарур. Бу ўринда гап, аввало, экономикани интенсивлаш суръатларини жадаллаштириш, халқ хўжалигининг барча соҳаларида уюшқоқлик ва тартибни мустаҳкамлаш ҳақида бормоқда. Худди соат механизмидек аниқ ишлаётган экономика (биз худди шунга интилмоқдамиз) айрим ношуд ходимларнинг асоссиз даъволарига катта тўсиқ қўяди, меҳнатга қараб ҳақ тўлаш социалистик принципи асосларини янада мустаҳкамлаш имконини беради.

Ана шу асосий принципни амалга ошириш ҳақида гап борар экан, унинг иккинчи кушандаси — ишлаб топганига нисбатан дабдабали яшаш, аниқроғи, текинхўрлик хусусида ҳам айтиб ўтиш керак. Бундай ҳолларга қарши курашнинг қандайдир универсал воситалари йўқ, албатта. Иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий тартибдаги комплекс чораларни доимий пропагандистик куч-ғайрат билан, яъни доимий тушунтириш ишлари олиб бориш йўли билан уйғунлаштириш меҳнат ўлчови билан истеъмол ўлчови устидан қаттиқ контрол ўрнатишни таъминлай олади. Шу муносабат билан контролнинг ҳар хил формаларини янада ривожлантириш, унга ялпи контрол тусини бериш, ошкоралик принципини изчил ўтказиш, хўжалик практикасида, ҳуқуқий нормаларда пул маблағлари ва моддий бойликларнинг назоратсиз ҳаракат қилиши учун, ҳар қандай суиистеъмолликларнинг юз бериши учун шароит яратадиган нуқсонларни ўрганиш ҳамда бартараф этиш ҳамон долзарб масала бўлиб турибди.

Бу ўринда уялмай-нетмай давлат ҳамёнига кўз олайтирувчи ёки ўзининг хизмат мавқеидан ғаразли мақсадларда фойдаланишга уринувчиларга ҳеч қандай шафқат бўлмаслиги керак. Агар чуқурроқ ўйлаб қаралса, бундай шахсларнинг хатти-ҳаракати тузумимиз моҳиятининг ўзини, дунёқарашимизнинг марказий ғоясини, социал адолат ғоясининг ўзини кўпоришдир. Шунинг учун ҳам бу ўринда қонун муросасиз бўлиши, у, албатта, қўлланилмоғи лозим. Шунинг учун ҳам В. И. Лениннинг қуйидаги огоҳлантириш сўзлари ҳар қачонгидан ҳам актуалдир: «Бу масалада ҳар қандай бўшанглик қилиш, ҳар қандай иккиланиш, ҳар қандай раҳмдиллик қилиш — социализм олдида қилинган ғоят катта жиноятдир».

Сўнгги йилларда жамоат бойлигини талон-торож қилувчилар, порахўрлар, чайқовчиларга қарши кураш кенг авж олмоқда. Партия ташаббуси билан қонунчиликни мустаҳкамлаш борасидаги чора-тадбирлар экономикадаги ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилашда яққол кўринмоқда, кишиларнинг кайфиятини кўтармоқда. Бу ўриндаги алоқадорлик тўғридан тўғри, яққол кўзга кўриниб турибди. Чунки, жамият меҳнатсиз даромад, бойлик орттирувчиларга қарши ўз муросасизлигини сўзда эмас, балки, амалда, ҳамманинг кўзи ўнгида исботлаётган экан, бу билан ҳалол меҳнатни социал жиҳатдан рағбатлантирмоқда, маънавий қўллаб-қувватламоқда.

Бизнинг қонунчилигимизда гражданларнинг индивидуал меҳнат фаолияти мустаҳкамлаб қўйилган. Давлат шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантиришни мақсадга мувофиқ билиб рағбатлантирмоқда, бозор пештахталарида хўл мевалар, полиз экинлари, бошқа маҳсулотларнинг кўп ва арзон бўлишига ҳаракат қилмоқда. Лекин киши иш кунидан кейин ўз томорқасида тер тўкиб, ер чопиб, кейин ортиқча маҳсулотни колхоз бозорига олиб борганини бошқа гапу, етиштирилган сабзавотлар, меваларни бозорда ошиқча нархда сотиб ижтимоий ишлаб чиқаришдаги меҳнат афзаллигидан кўз юмгани бошқа гап. Маҳсулотни ошиқча нарх билан сотган кишилар бу маҳсулотларни давлатга қарашли ерда етиштирганликларини, бунда ўз эҳтиёжлари учун кўп сув, электр энергияси, газдан фойдаланишларини, бу қулайликлар учун коммунал хизмат тариқасида ҳақ олинишини, маҳсулотлар ва товарларни ҳамма қатори магазинлардан қатъий давлат нархларда харид қилишларини ҳам ўйлаб кўриш керак.

Мамлакатимизнинг жанубида етиштирилган хўл мевалар шимолий бозорларда сотилишидан тушган пул баъзан пўлат қуювчи ёки шахтёр, профессор ёки йирик корхона директорининг иш ҳақидан ошиб кетиши ҳоллари ҳам адолатсизлик кўринишидир. «Ғойиб»дан келган бундай даромадлар эса кўпинча ҳисобга олинмаётир.

Бу ўринда СССР Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган «Гражданларнинг шахсий мулки бўлган ва улар тасарруфидаги мол-мулк меҳнатсиз даромадлар олиш учун ишлатилиши ёки жамият зарарига фойдаланилиши мумкин эмас», деган қоидани эслаб ўтиш ўринлидир. Бу қоида ҳамма учун мажбурийдир.

МАМЛАКАТИМИЗ ривожланган социализм босқичига кирганлиги совет халқининг буюк ғалабасидир. Лекин партия мамлакатимиздаги ишларнинг ҳозирги аҳволига аниқ, илмий баҳо берар экан, биз ҳали ривожланган социализм босқичининг бошланғич палласида турибмиз, деб ҳисоблайди. Жамият социализмнинг ҳамма принциплари ва нормаларини аниқ ва оғишмай амалга оширилиши учун ҳали кўп ишлар қилиши керак. Бу ҳақиқат «Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша» деган ва ҳаммамиз учун муқаддас бўлган принципга ҳам дахлдордир.

Тақсимлаш муносабатларини социализмнинг олий талабларига мувофиқ келтириш — ҳар бир киши жамиятга ўз меҳнати билан қанча берган бўлса, ундан худди шунча олиши лозим, демакдир. Зотан, ҳақиқий социалистик адолат ҳам худди шундадир.

С. КОЛЕСНИКОВ,
В. УСАНОВ.

# МАНФААТЛАР МУШТАРАКЛИГИ

**Кундузги ва тунги ҳарорат ўртасидаги фарқ тобора кўпроқ сезиляпти. Бу — кузак яқинлашаётганлигидан. Ҳадемай пахтакорлар учунгина эмас, пахта тозаловчилар учун ҳам масъулиятли палла бошланади. Етиштирилган мўл ҳосилни вақтида йиғиштириб, саранжомлаб олиш долзарб вазифа. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Бюро мажлисида республика Госплани, Қишлоқ хўжалик министрлиги, Меҳнат давлат комитетига, «Узбекхлопкомаш» бирлашмаси, Пахта тозалаш саноати марказий илмий-тадқиқот институтига, область партия комитетларига пахта тайёрлаш, уни сақлаш ва қайта ишлашни ташкил этишни уюшқоқлик билан ўтказиш, бу соҳадаги проблемаларни ҳал этиш, камчиликларни тугатиш, янги ҳосилни қабул қилиб олишга ўз вақтида тайёргарлик кўриш юзасидан зарур тадбирларни амалга ошириш таклиф қилинди.**

**Хўш, бу кўрсатма Қашқадарё областида қандай амалга оширилмоқда!**

## АФЗАЛЛИК

Бепоён Қарши даштини ўзлаштириш ишлари кенг кўламда олиб борилиши муносабати билан пахта тозалаш саноати ҳам жадал ривожланмоқда. Бугунги кунда «Облхлопкопром» бирлашмаси ихтиёрида 12 та пахта тозалаш заводи, 55 та тайёрлов пункти бор. Улар йилига 650 минг тонна пахтани қайта ишлаш қувватига эга.

Шуниси диққатга сазоворки, кейинги йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини, қабул пунктларини техникавий жиҳатдан қайта қуроллантиришга, реконструкциялаш ишларини кенгроқ ташкил этиш, унинг самарадорлигини ошириб боришга жиддий эътибор берила бошлади. Тозалаш цехларида пахтани турли ифлосликлардан ҳоли қиладиган қурилмалар ўрнатилди.

Нишон, Бешкент, Ульянов, Қамаши, Яккабоғ, 1- ва 2-Косон пахта тозалаш заводларининг қуритиш ва тозалаш участкалари реконструкция қилинди. Бу жойларда унумсиз ва камқувват ускуналар ўрнига замонавий, унумдор аппаратлар ўрнатилди. Натижада толанинг сифати яхшиланиб бормоқда. Маҳсулот ҳажмини кескин оширишда мукаммал ускуналардан фойдаланиш афзалликлари ўзини тўлароқ намоён этмоқда.

Пахта тайёрлаш ва уни қайта ишлашда янги тартиб жорий қилинганлиги хўжаликларнинг моддий манфаатдорлигини оширяпти. Бунинг учун ўтган йилнинг асосий якунларини таҳлил қилиб кўриш кифоя. Область пахта тозалаш саноати корхоналари 1984 йилни муваффақиятли якунлашди. Пландаги 29,4 ўрнига 31,15 процент тола олишга эришилди.

Бу нима дегани? Куйиндига чиқариб юбориладиган маҳсулот ҳажми 1983 йилга нисбатан 9—10 баравар камайди. Бундан пахта тозалаш заводлари катта манфаат кўрдилар. Тўқимачилик саноати корхоналаридан келадиган шикоятномалар сони кескин камайди. Қисқаси, ҳосилни қабул қилиш ва дастлабки ишлашда аввал амал қилиб келинган системага қараганда янгича тартибнинг афзалликлари яққол кўриниб бормоқда. Тола ажратиб олиш ҳажмининг ортганлиги бунга яхши мисолдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида область пахта тозалаш саноати ишидаги жиддий камчиликларга тегишли баҳо берилганди. Пленум талаблари асосида иш тутган тармоқ ходимлари пахта тозалаш саноати фаолиятидаги салбий ҳолатларга кескин барҳам бериш юзасидан катта тадбирларни амалга оширмоқдалар. Пахта тозалаш заводлари ва тайёрлаш пунктларида инженер-техник ходимларнинг 90 проценти янгиланди, уларга нисбатан талабчанлик оширилди.

Янги кадрларнинг ишни яхши йўлга қўйиб юборишида айрим қийинчиликларга ҳам дуч келинди. Ўтган йил улар бирмунча қийин шароитларда ишлаган бўлсалар ҳам, муайян тажриба тўпланди. Ёш ва малакали кадрларнинг аксарияти интизом ва тартиб билан ишлаш қандай самаралар беришини ўз фаолиятларида кўрсатмоқдалар.

**Қашқадарё области пахта тозалаш саноати корхоналарини йиғим-терим мавсумига тайёрлаш жадаллаштирилиши керак**

Тармоқнинг янгича тартибда ишлашга ўтказилиши катта афзалликлар бераётганига яна бир қатор далиллар келтириш мумкин. Тола, момиқ, чигит сифати ошди. Бундан пахта етиштирувчилар ҳам, уни қайта ишловчилар ҳам манфаатдор бўляптилар. Хўжаликлардан қабул қилинган ҳосилни алоҳида-алоҳида ғарамларга жойлашда ҳам катта гап бор. Бу сифатли пахта тайёрлашгагина эмас, унинг сақланиши, олинадиган толанинг кўрсаткичларини яхшилаб боришга ҳам имкон бермоқда. Шунинг ўзи катта афзаллик, манфаатдорликни оширишнинг умидбахш манбаи.

Хўжаликлардан келаётган ҳосил аралашига ғарамланган пайтларда унинг сорти ҳам, намлиги ҳам аниқ бўлмасди. Янгича тартиб бундай нуқсонларга барҳам бермоқда. Лекин бунда пахта тозаловчиларни мураккаб аҳволга солиб қўяётган жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Йиғим-терим айни қизигунча бўлган паллада, яъни дастлабки кунларда колхоз-совхозлардан келаётган ҳосил керагича ғамланиб олгунча (400—500 тонна жамлангунча) заводларни тўхтатиб туришга тўғри келади. Бунинг устига айрим ғарамларда атиги 20 тоннагача пахта жамғарилиши уни сақлаш ва қуритишни бир оз қийинлаштиради. Шундай ҳол йиғим-терим охирида кўпроқ юз бермоқда.

Ўйлаймизки, тармоқнинг етакчи мутахассислари бу ҳақда ўз таклиф-тадбирлари билан пахта тозалаш саноати ходимларига тегишли амалий ёрдам кўрсатадилар.

## ҚАРВОН КЕЛСА — МАРҲАМАТ!

Бугунги кунда область пахта тозаловчилари янги ҳосилни қабул қилиб олишга пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Тайёргарлик давомида бир қатор муаммолар ҳам йўл-йўлакай бартараф этиб борилмоқда. Ингичка толали пахта тайёрлашдаги муайян ўзига хослик Қашқадарё областига ҳам тааллуқли, область колхоз-совхозларида йил сайин 130 минг тонна атрофида ингичка толали пахта тайёрлаб келинмоқда. Ваҳолонки, мавжуд заводларнинг қуввати 70—80 минг тонна ингичка толали пахтани қайта ишлашгагина мўлжалланган.

Шу пайтгача ингичка толали пахта қай тарзда қайта ишланган? «Облхлопкопром» бирлашмаси бошлиғи З. Зикирёев бу ҳақда шундай деди:

— Аввалги йилларда ингичка толали пахта заводларда аррали агрегатлар ёрдамида қайта ишланарди. Бундай агрегатлар тола сифатига путур етказиши тажрибадан маълум. Сифатсиз тола юборгани учун область бирлашмаси тўқимачилик саноати корхоналарига анчагина миқдорда жарима тўлаб келарди. Корхоналарнинг ишини яхшилаш, самарадорликни ошириш мақсадида айрим заводлардаги цехларни қайта кўриб чиқишга тўғри келмоқда. Масалан, Яккабоғ пахта тозалаш заводида ипак пахтани қайта ишлаш қувватлари камлиги ва автотранспортга сарфланадиган харажатларни қисқартириш учун Ульянов заводида ўрта толали пахтани қайта ишлаш цехи барпо этилмоқда.

Косон пахта тозалаш заводи кўп йиллар давомида сифатсиз тола тайёрлаб келди. Бу нуқсонни бартараф қилиш ниятида корхона цехлари реконструкция қилинди. Қатор участкалар замонавий машина-ускуналар билан жиҳозланди. Шаҳрисабз, Қамаши, Ульянов заводларида момиқ ишлаб чиқарадиган 40 та машина ўрнатилди. Жейнов пахта тозалаш заводида тозалаш цехи қурилиши қизғин давом эттирилмоқда. Бешкент заводида сифати паст пахтани қайта ишлайдиган цех барпо қилиняпти.

Мавсум тараддуди вақтида тармоқ корхоналари ишлаб чиқариш қувватини оширишга 1 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Шунча маблағга мукаммал машина-механизмлар, ускуналар сотиб олиниб, заводлар ва пунктларга тақсимлаб берилди. Жойларда пахтани сифатли сақлашга мўлжалланган завод типидаги 20 та омбор қурилмоқда. 89 жойда пахта қуритиш майдонлари вужудга келтирилаётир.

Яна қатор рақамлар келтириш мумкин. Бу рақамлар мавсум тайёргарлиги қандай бораётганлигини кўрсатиб беради. Косондаги 1-пахта тозалаш заводи ва Чим қабул пунктида қуритиш агрегатлари ўрнатиш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Область бўйича 95 тош-тарози, 371 та транспортёр, 74 та пахта ортгич механизм ремонтдан чиқарилган. 171 вентилятор, 94 та трактор прицепи, 2 мингга яқин брезент ва 200 минг дона фартук ҳозирлаб қўйилди.

Қатор завод ва қабул пунктлари ходимларининг социал, маданий-маиший шароитлари яхшиланаётир. Жейнов ва Бешкент заводлари ишчи посёлкаларида қарийб 2 минг квадрат метр уй-жой бинолари фойдаланишга топширилди. Қарши пахта тозалаш заводи меҳнаткашларининг фарзандлари учун 140 ўринли болалар боғчаси қуриб берилди. Кўпгина жойларда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Шу тариқа областнинг кўплаб корхоналари яқин вақт ичида ҳосил карвонларини қабул қилишга пухта ҳозирлаб қўйилди.

## ЁЗ ЁПИНЧИҒИНГНИ ҚЎЙМА...

«Ёз ёпинчиғингни қўйма — қишда ўзинг биласан» — доно халқ мақоли пахта тозалаш саноати корхоналарининг бугунги фаолиятига тўла-тўкис тааллуқлидир.

Текширишларнинг кўрсатишича, областдаги ҳамма пахта тозалаш корхоналари ҳам мавсумга тўла шай қилиб қўйилмаган. Баъзи завод ва тайёрлов пунктларида ремонт ишлари ниҳоясига етказилмаган. Жорий ва капитал ремонт ишларида тартибсизликлар бор. Ульянов ва Косон заводлари пахта тайёрлаш пунктларидаги аҳвол, айниқса, ташвишланарли.

Ҳал этилмаган бошқа масалалар ҳам бор. «Облзаготхлопкопром» бирлашмаси қўриқ хўжаликларда тайёрланган пахтадан олинган толани тўқимачилик корхоналарига белгиланган муддатларда жўнатишда қийинчиликларга дуч келмоқда. Шу муносабат билан «Главсредазирсовхозстрой»нинг Қашқадарёдаги бўлинмалари фаолиятини активлаштириш талаб қилинади. «Каршистрой» бошқармаси пахта тайёрлаш ва уни дастлабки қайта ишлаш область бирлашмасининг Нишондаги темир йўл базаси қурилишини чўзиб юбормоқда. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва унинг «Узглавхлопкопром» бош бошқармаси заводлар, тайёрлаш пунктлари лабораторияларини энг зарур асбоб-ускуналар, машина-механизмлар билан таъминлаш юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларини вақтида мукаммал бажармаяптилар.

Яна бир гап. Область ташкилотлари янги мавсумга тайёргарлик юзасидан ўз бурчларини катта масъулият сезиб адо этишга даъват қилинганлар. Шундай бўлишига қарамай, «Облколхозстрой» трести бўлинмалари ишида тоқат қилиб бўлмайдиган сусткашлик юз бермоқда. Қурувчилар пахта сақланадиган майдончалар бунёд этиш юзасидан келишилган шартномаларни писанд қилмаётирлар. Фойдаланишга топширилиши лозим бўлган 100 жойдаги майдончадан биронтаси ҳам ишга туширилмаганлигини қандай баҳолаш мумкин?!

Область алоқа бўлими фаолиятида ҳам жиддий нуқсонлар юз бермоқда. Янги мавсум бошланиши арафасида телефонлаштириш, матлубот жамияти йўли билан бажариладиган ишлар ҳам ўлдажўлда. Ошхона ва буфетлар ташкил этиш, савдо-сотиқ ишларини уюштириш кабилар кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан биридир.

Кадрларга нисбатан талабчанлик ортиб бормоқда. Бироқ пахта тозалаш саноати корхоналарида янги мавсум тақдирини кадрлар ҳал қилиши кўп ҳолларда унутиб қўйилаётганга ўхшайди. Айниқса, чўл зонасидаги завод ва пунктларни ўрта бўғин кадрлар билан таъминлашда сусткашлик қилинмоқда.

**Қашқадарё пахтакорлари КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, далаларда мўл ҳосил етиштириш учун мардона меҳнат қилаётирлар. Съездолди йили ҳосилини вақтида йиғиштириб олиш, ғарамлаш майдонларига етказиб келиш, қайта ишлашни талаблар даражасида йўлга қўйиш — галдаги энг муҳим вазифа. Бу вазифа бир тармоқ ходимларининг иши эмас. Уни биргалашиб ҳал этишга астойдил киришилган тақдирдагина кутилган натижаларга эришиш, манфаатлар муштараклиги таъмин этилиши мумкин.**

**Партия ташкилотларининг жанговарлиги, маҳаллий Советлар депутатларининг фаолияти, ташкилотчилик, сиёсий-тарбиявий ишлар янги мавсумга тайёргарликни муваффақиятли ўтказишда ҳал қилувчи роль ўйнайди, албатта.**

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,
М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

## Чет элларда

### СССР ЭЛЧИХОНАСИДА УЧРАШУВ

БОНН. СССРнинг ГФРдаги элчихонасида 26 августда ядро уруши пайдо бўлишининг олдини олиш масаласи юзасидан КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев номига яқинда мактуб йўллаган Кельн шаҳри реал мактабининг ректори У. Пфлегар ва бир группа ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар билан учрашув ўтказилди.

Мактуб муаллифларига М. С. Горбачев номидан миннатдорчилик изҳор қилинди. Термоядро ҳалокати хавфини йўқотиш учун кураш — ҳар бир кишининг олижаноб иши эканлиги таъкидлаб ўтилди. Юз миллионлаб кишиларнинг ҳаёти, бутун планетанинг бундан буёнги тақдири ажал уруғини сочувчи қуролланиш пойгасини тўхтатиш, инсониятнинг янги жаҳон уруши сари силжиб боришига йўл қўймасликка муваффақ бўла олишга боғлиқдир. Қуролсизланиш учун, урушнинг олдини олиш учун курашни Совет Иттифоқи ўзининг асосий вазифаси деб билади. СССР бу йўлда ўзига боғлиқ ҳамма ишларни қилмоқда. Ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг мактубида баён этилган фикрлар инсоннинг асосий ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган ва халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, дўстлик бўлишини ёқлаб чиқаётган совет кишиларининг орзу-тилаклари ва умидлари билан ҳамоҳангдир.

Мактубнинг муаллифлари Москвадан самимий жавоб олганликлари ва ўзларига нисбатан кўрсатилган эътибор учун миннатдорчилик билдирдилар.

(ТАСС).

### ЖЕНЕВАДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯДА

ЖЕНЕВА. Женевадаги миллатлар саройида 27 августда ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг амал қилишини кўриб чиқишга бағишланган учинчи конференция очилди. 15 йил муқаддам кучга кирган бу шартнома ядровий қуролланиш пойгасини тийиб туриш, ядро уруши хавфини сусайтириш тинчликни мустаҳкамлашнинг муҳим воситаси бўлиб қолди.

Конференция очилиши билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг конференция қатнашчиларига йўллаган табрикномаси ўқиб берилди. Бу табрикномани ҳамма зўр эътибор билан тинглади. Унда таъкидлаб ўтилганидек, Совет Иттифоқининг йўли қуролланиш пойгасини жиловлаш учун ҳамма жабҳалар бўйлаб зўр ғайрат билан иш олиб боришдан иборат. Ядро қуролининг тарқалишига йўл қўймаслик чоралари аввалгидек ҳозирда ҳам муҳим ўрин олади, деб уқтириб ўтилади табрикномада. Совет раҳбарининг СССР бу соҳада бир қанча қадамлар қўйиб, бошқаларга ибрат кўрсатди ва бу билан ядровий қуролланиш пойгасини чеклаш ва тўхтатиш соҳасида битимлар ишлаб чиқилишига ёрдам берди, деган сўзлари конференция қатнашчиларининг эътиборини ўзига жалб этди.

Конференция тўрт ҳафта давом этади. СССР Атом энергиясидан фойдаланиш давлат комитетининг раиси А. М. Петросьянц СССР делегациясига бошчилик қилмоқда. (ТАСС).

### САМАНТА ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИККА ИШОНАР ЭДИ

ВАШИНГТОН. Америкалик 13 яшар мактаб ўқувчиси Саманта Смитнинг МЭН штатидаги Оберн-Льюистон аэропортида авиация фалокатида фожиали ҳалок бўлганлиги ҳақидаги хабар бутун дунёда миллионлаб кишиларни ларзага солди. Мэн штатидаги Саманта яшаган кичкина шаҳар Манчестерга мамлакатнинг ҳамма томонидан ва чет эллардан ҳамдардлик билдирилган мактублар ва телеграммалар келмоқда.

Саманта ҳар биримизнинг қанчалик кўп иш қила олишимизни англаб етишимизга ёрдам берди, деб ишонаман, деди унинг онаси Жейн Смит... Мен совет халқидан жуда миннатдорман. Совет халқи бизга ҳамдард бўлаётганлигини қадрлаймиз, деди Жейн Смит ТАСС мухбирига.

Маъмурлар самолёт ҳалокати тафсилотларини текширмоқдалар. Транспортда ҳаракат хавфсизлиги миллий кенгаши вакилининг айтишича, улар авариянинг сабаби нимада эканлигини билмайдилар. Айни пайтда, АП агентлигининг далолат беришича, расмий шахслар ҳалокат сабабларини аниқлаш учун «бир неча ой вақт кетади», демоқдалар

«Вашингтон пост» газетасининг ёзишича, Оберн-Льюистонда ҳалокатга учраган самолёт тури «энг хавфсиз самолёт деб тан олинган эди». (ТАСС).

### НИГЕРИЯДА ДАВЛАТ ТЎНТАРИШИ

ПАРИЖ, 27 август. (ТАСС). Ўтган кечаси Нигерияда давлат тўнтариши бўлди, деб хабар қилади Франс Пресс агентлиги Абижандан. Генерал Бухари ҳукумати ағдариб ташланди. Мамлакатда ҳокимият олий ҳарбий комитет қўлига ўтган. Лагосда ва штатларнинг пойтахтларида комендантлик соати жорий этилган, Нигериянинг барча аэропортлари ва денгиз портлари ёпиб қўйилган. Бригада генерали Жошуа Догоньяро Лагос радиоси орқали нутқ сўзлаб шуни маълум қилди.

## ХАЛҚАРО КЎЗГУ

### • «Демократия» қайда қолди?

Конгресс никарагуалик «контрасс» бандитларига ёрдам бериш ҳақидаги таклифини маъқулламаганлигидан аччиқланган Рейган республикачиларнинг конгрессдаги лидерларини кабинетига чақириб, гаплашиб қўйди.

— Рейган аламидан столни муштлади, — деб хабар беради Эй-Би-Си телекомпанияси: «Биз қандай маъқул кўрсак шундай ташқи сиёсат юргизиш имконини топишга эришишимиз керак. Токи, бунга «535 лар комитети аралашавермасин (у 100 сенатор ва 435 та вакиллар палатаси аъзоси бўлган конгрессни кўзда тутмоқда).

Унда: «Демократия» қайда қолди! — деган табиий савол туғилади.

### • Боливия — инфляция чемпиони

Йил давомида инфляция ҳажми 3400 процентга етаётган Боливия нарх-навонинг ўсиши бўйича жаҳон чемпиони бўлди. Ундан кейинги ўринларни эса Аргентина, Исроил, Бразилия, Перу давлатлари эгаллашди.

Истеъмол нарх-навосининг бундай тез кўтарилиши ўнлаб мамлакатларни силсилага солмоқда. Ана шундай қийинчиликларни бошдан кечираётган давлатларнинг аксарияти учинчи дунёдаги қарзга ботган давлатлардир. Халқаро валюта фондининг маълумотига кўра, ривожланаётган 112 та мамлакатда охирги нархлар бўйича бир йилда инфляция даражаси 59 процентга етяпти. Бу тарихда энг юқори кўрсаткичдир.

### • Террорчининг «ҳунари»

1981 йилнинг март ойида Америка Қўшма Штатларининг президенти Рейганни отиб яралаган Жон Хинкли ўша дамда шуурсизлик ҳолатида бўлганлиги туфайли жазодан озод қилинган эди, деб хабар беради Ғарбий Берлин газетаси «Тагесшпигель». Ҳозир эса Хинкли бир профессионал журналист ёрдамида Рейганга қилган суиқасди ҳақида хотира ёзмоқда. Шуурсизлик ҳолати энди унга бўлғуси хотира китоби қалам ҳақининг тўртдан бирини олишга ҳуқуқ беради.

### • Судьянинг «ташаббуси»

Тель-авивлик судья Я. Бараз афтидан Исроилнинг таги қимирлаб қолган экономикасини мустаҳкамлашга аҳд қилган бўлса керак, деб ёзади инглизларнинг газетаси «Гардиан». У бу борада қизиқ «ташаббус» кўрсатди. Қулфбузар ўғри Й. Кочави иши юзасидан ҳукм чиқара туриб, жиноятчи ўз «ҳунари»дан келадиган даромадлардан солиқ тўлаши кераклигини эълон қилди. Бошқа судьялар ҳам шундай иш тутишса, Исроилнинг хазинаси тўлиб қолиши турган гап. Чунки бу ерда жиноятчилик борган сари ўсмоқда.

### • Наполеон кодекси ҳамон амалда

Турли ирқлар, урф-одатлар ва диний маросимлар аралашиб кетган Маврикиядек иккинчи бир мамлакатни дунёда топиш қийин.

Бозорда савдогарлар молларни килограмм, фунт, кварта ва, хуллас, ким қандай ўлчовда сотиб олишни истаса, ўша ўлчов бирлигида пуллайверишади. Газламалар эса метр, ярди, туази (французларнинг 1,9 метрга тенг бўлган қадимий узунлик ўлчови) билан ўлчанади.

Хўш, Маврикияда қонунчиликка амал қилинадими ўзи! Бироқ қонунчилик борасида ҳам ажиб тартибсизлик мавжуд. Маврикияда инглизча суд идора усули, французча қонун чиқариш ҳукмрон. Бу ерда ҳатто 1804 йилда қабул қилинган Наполеон кодекси ҳамон амал қилиб келмоқда.

### • Ўндан бири қамоқда

«Квик» журналининг хабар беришича, диктатор Стресснер ҳукмронлиги даврида Парагвайда яшовчи 3,5 миллион аҳолининг ҳар ўн нафаридан бири қамоқхонада ўтириб чиққан. 1954 йилдан бери президентлик постига «сайланаётган» Альфредо Стресснернинг ўз халқига кўрсатаётган «кароматин» шундан иборат.

### • Ирқига қараб

ЖАРда бир студентни тайёрлаш учун 1385, 872, 192 ранда (пул) харажат қилинади. Американинг «Харпес мэгэзин» журнали аниқлик киритишича, рақамларнинг биринчиси оқ танли, иккинчиси рангли, учинчиси эса қора танлига тегишли. Яъни қора танлиларга оқ танлиларга нисбатан деярли 8 баравар кам пул ажратилади.

